



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 4 август № 31 (156) •

Сотувда нархи эркин

Тошкент Электротехника алоқа институтининг 40 йиллиги

## АЛОҚАЧИЛАР НУФУЗИ ОРТАВЕРАДИ

Маълумки, илм-фаннинг ривожланиши жараёнида телекоммуникация, радио ва телевидениaning аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Мана 40 йилдирки, Марказий Осиёда Тошкент Электротехника алоқа институти (ТЭАИ)да алоқа муҳандислари тайёрланмоқда. Шу даврда институт 20 мингдан ортақ ҳар хил мутахассисликдаги муҳандисларни тайёрлаб берди. Улар фақат алоқа корхоналари ва муассасаларидагина эмас, транспорт, қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият каби соҳаларда самарали фаолият кўрсатишмоқда. ТЭАИнинг кўпгина битирувчилари МДХ мамлакатларида ҳам меҳнат қилишяпти. Бу ҳақда ТЭАИ ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Тельман Дадаевич РАЖАБОВ шундай ҳикоя қилди:

— Тошкент Электротехника алоқа институти (ТЭАИ) СССР Алоқа Вазирлигининг 1953 йил 28 майдаги қарори асосида 1955 йил, 26 июнда Урта Осиё ва Қозғистон республикаларига алоқачи-муҳандислар тайёрловчи минтақавий олий ўқув юрти сифатида ташкил қилинган эди.

Шу йиллар мобайнида институт оёққа туриб олиш, ривожланиш ҳамда такомиллаштиришнинг мураккаб даврини босиб ўтди ва ҳозирги вақтда алоқа, радио-эширтириш, телевидение учун мутахассислар тайёрловчи таянч ўқув юрти ҳисобланади.

ТЭАИ таркибида кундузги таълим беришчи 4 та факультет ва сиртки бўлим, хорижий талабалар билан ишловчи деканат, телекоммуникация бўйича муҳан-

дисларни қайта тайёрловчи Марказий Осиё ўқув маркази, илмий-тадқиқот сектори, аспирантура ва тайёрлов курслари мавжуд. 25 та кафедралдаги профессор-ўқитувчилар талабаларга таълим бермоқда. Институт улкан моддий-техника базасига эга. 53 та ўқув ва 18 та илмий-тадқиқот лабораториялари, ахборот-ҳисоблаш маркази ҳамда бошқа хизматлар фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Хондалик қишлоғида соғломлаштириш спорт базаси бор. Талабалар 3000 нафардан иборат бўлиб, бундан 1850 киши кундузги ва Марказий Осиё республикалари вакилларидан 1200 киши сиртки бўлимда таълим олишади. Кундузги ва сиртки аспирантурада 26 киши ва дунёнинг 16



Тошкент Электротехника алоқа институти ташкил этилганининг 40 йиллигига катта тайёргарлик кўриляпти. Суратда институт проректори, профессор Ю. САЪДУЛЛАЕВ ва доцент В. ПРАХОВ институт жамоаси босиб ўтган йўл ҳамда келгуси режалар хусусида суҳбатлашмишмоқда.

Суратқаш: А. РИСКИЕВ

мамлакатидан келган 120 хорижий фуқаро билим олмақда. Ҳозирги кунда институтда 748 ходим ишляпти. Шулардан 272 нафарини профессор-ўқитувчилар ташкил этади. Улардан 10 киши фан доктори ва профессор, 108 киши фан номзоди ва доцентлардир. Булар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий академиги ҳам бор. Таълим-тарбия 5 мутахассислик — телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация, телекоммуникациянинг узатиш ти-зимлари, радиоалоқа, радиоэширтириш ва телевидение, алоқа корхоналарида менежмент соҳалари бўйича олиб борилади.

1994 йили «ТАСИС» дастурига мувофиқ, институтимиз қошида Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази ташкил этилди. Унда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозғистон республикаларининг олий маълумотли мутахассислари малакасини оширяпти. Бундан ташқари институтда талабаларнинг маънавий камолоти-га, уларни Ватанга содиқ қилиб тарбиялашга ҳамда касб тайёргарлигига катта аҳамият берилляпти.

Тараққиёт сари илдам қадам босаётган институтимизда алоқа техникаси ва ҳисоблаш соҳасида ҳам мутахассислар тайёрланяпти. Таълимнинг янги дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқ-

да. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг чуқур уйлаган ва илмий асосланган сиёсати туфайли мустақиллик шароитида қисқа вақтда улкан муваффақиятларга эришилляпти.

Амалга ошириляётган бу катта ишларда телекоммуникациянинг ушиб бораётган роли тан олинмоқда. Бундан кейин ҳам республикадаги алоқачи мутахассисларнинг асосий қисмини ташкил қилувчи битирувчиларимиз ижтимоий-иқтисодий қайта қуришларда уларнинг муносиб ҳиссаларини кўшадилар.

Суҳбатчи А. КУДИНОВ,  
ёш олди

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенгашининг қарорига кўра Биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи Сессияси 1995 йил 30 август кунин Тошкент шаҳрида чақирилди.

• Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирокда Мустақиллик кунининг тўрт йиллиги байрамига ҳамда Тошкентда ўтказиладиган Марказий Осиё уйинларига тайёргарлиқнинг боришига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

• Вазирлар Маҳкамасида 1995 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислохотларнинг бориши ва уларни янада чуқурлаштириш, пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисидаги масалаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

• Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карл Хайнц Куня Тошкентдаги «Она ва бола» мажмуасига инсонпарварлик ёрдами сифатида 20 миллион немис маркази қийматидаги дори-дармонларни топширди.

• ИТАР-ТАСС мухбирининг хабарига кўра, дуадавчилар сафидаги айрим командирлар урушин давом эттиришни исташмапти. Айни чоғда жойларда дуадав тарафдорларининг мингинги бўлиб ўтмоқда.

• Россияда 10000 ва 50000 рубль қийматида эга бўлган янги пушхаддаги қоғоз пуллари муомаллага чиқарилди. Улар ҳо-

зири муомалалада бўлган пуллардан қалбакилаштиришдан ҳимоялаш даражаси анча юқори бўлганлиги билан фарқ қилади.

• Ашхобдада қирғиз халқ эпоси — «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган улкан от пойгаеси бўлиб ўтди.

• Хитой ўз қарорини ўзгартирмай, қабул қилинган дастур асосида ядро синовларини бундан буён ҳам давом эттириш ниятидир.

• Марий Эл ҳукумати ичкиликбозликка қарши кескин кураш бошлашга қарор қилди.

• Туркия Президенти Сулаймон Демиррэл 31 июль кунин Грузияга қисқа муддат билан амалий ташириф буюрди.

• Бруней пойтахтида Осиё, Шимолий Америка ва Европадаги 19 мамлакат делегациялари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда тарихда ilk бор Осиё ва Европа мамлакатлари давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди.

• Тожикистон мухолифати раҳбарияти яқин орада Россия ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин билан учрашиш ниятидир.

• Ҳиндистон шимолидаги Жамму ва Кашмир штатида ёққан муссон ёмғирлари оқибатида рўй берган сув тошқини 70 нафардан зиёд инсон умрига зомин бўлди.

• АҚШ кинотеатрларида Голливуд тарихида энг кўп пул сарфлаб суратга олинган янги «Сув дунёси» фильми чиқарилди. Унга 180 миллион доллар сарф этилди.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Яншиқлар • Хабарлар

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Қорақалпоғистон Республикасининг «Вести Каракалпақстана» газетасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашининг «Почта ва телекоммуникация тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эълон қилинди. Қонун лойиҳаси 10 та бўлим ва 26 та моддadan иборат бўлиб, кенг халқ оммаси муҳокамасидан сўнг қабул қилинади.

## КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкентда «Ўзбектелеком» концерни таклифига биноан Транс—Осиё—Европа нур толали оптика алоқа магистрalli лойиҳалаш ва қуриш ишчи гуруҳларининг VIII кенгаши бўлиб ўтди. Унда 16 та хорижий давлатлардан келган вакиллар иштирок этди. Кенгашда Алоқа Вазирни К. Раҳимов қатнашиб, меҳмонларга жумҳуриятимизда олиб бориляётган иқтисодий ислохотлар ҳақида қисқача сўзлаб берди.

(Бу ҳақдаги батафсил маълумотни газетанинг келгуси сонида ўқийсиз).

**Пахтакор тумани электр алоқа корхонасига Рўзиқул ака Утамуродов бошлиқ бўлиб келганига ҳам қарий бир йил бўлди. Шу муддат ичида талай ишлар амалга оширилди.**

Рўзиқул Утамуродов асли фахлоллик, ҳисоб-китобни яхши билади. Узоқ йиллар вилоят электр алоқа кор-

даргоҳдан норози бўлиб кетмасин. Тумандаги кўпгина ташкилотлар электр алоқа тармоғидан 114 минг 289 сўм қа-

Шундан харажатларимиз 553 минг 679 сўми ташкил этди. Корхонамизнинг беш ойлик соф даромади 161 минг 510 сўмдан иборат бўлди. Ходимларимизга ойлик ва мукофотлар ўз вақтида берилмапти. Олти нафар телефончимиз мижозларнинг буюртмаларини вақтида бажаришни бурчлари деб билишади.

Айтайлик, туманга бирор меҳмон келди. Зарурат юзасидан Тошкентга телефон қилмоқчи бўлса унга зарур ёрдамни беролмасак биз нима деган одам бўлдик? Агар у хорижлик ишбилармон бўлса-чи? Айтмоқчиманки, асосий вазирамиз мижозларнинг оғирини енгил қилиш, ҳожатини чиқаришидир. Жамоамизнинг ютуғи иш маромининг 70-75 фоиз ортганлиги алоқачиларнинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётганлиги натижасидир.

У ўз фикрини тасдиқлаш учун бош ҳисобчининг иш қо-

ғозларини қўлимга тутқазди. Рақамлар айтилган гапни тасдиқлаб турарди. Йил бошидан буён автомат телефон сўзлашуви қай даражада бўлганини билгим келди. Ўтган беш ой ичида туман электр алоқа боғланмасининг автомат телефон сўзлашуви учун хизмат ҳақи 248 минг 709 сўми ташкил этган. Аини шу сўзлашувларнинг 2189 таси хорижий мамлакатлар билан бўлиб, корхонага 96 минг 703 сўмлик даромад келтирган.

Рўзиқул аканинг идорасидан кайфиятим янада кўтарилиб чиқди. Туман радиосининг эрталабки эшитиришида телефон алоқаси яхши йўлга қўйилгани учун Рўзиқул Утамуродов ва идора масъул ходими Абдураул Баротовлар туман ҳокимлиги томонидан моддий рағбатлантирилгани айтилди. Мен уларни самимий табриклаб, ишларига омад тиладим.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**  
**Жиззах вилояти**

## ФИДОЙИ ҲАҚИДА СЎЗ

хонасида тафтишчилар бошлиги бўлган. Кунига 10-15 соатлаб ишлашга эринмайди. Муҳими — ишлашнинггина эмас, ишлатишнинг яхши билади. Шу боис ўзи раҳбар бўлган 14 кишилик жамоа аъзоларидан ҳам жон куйдириб меҳнат қилишни талаб қилади.

Рўзиқул ака алоқага оид муаммоларни ходимлари билан баҳамжиҳат ҳал қилади. Камчиликларни тезда бартираф этиш йўллари излайди. Мақсад — ҳеч ким бу

рздор. Лекин ўзaro ҳисоб-китобларни бекаму-кўст олиб борадиган ташкилотлар ҳам бор. Шулардан бири туман газлаштириш идорасидир. Бу идоранинг телефонларию электр алоқа тармоқлари доимо ишлаб туради.

— Аини кунда автомат телефон тизимимизда 1490 та абонент бор, — дейди Рўзиқул ака. — Бундан ташқари, ташкилотлардаги нуқталаримиз 310 та. Шу йил олти ойлик ҳисоб-китобимиз бўйича 715 минг 189 сўм фойда олдик.


## ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР...

Чортоқ тумани электр алоқа боғламасида ўз касбининг устаси бўлган фидойи алоқачилар кўп. Улар тумандаги 12 та АТСда ва радио нуқталарида самарали меҳнат қилиш билан бирга ёшларга ўз касбларининг сир-асрорларини кунт билан ўргатишмоқда.

Маълум вақт ўтгандан кейин мураббийларнинг тавсияси билан ёш мутахассисларни соҳалар бўйича ишга юборяпмиз. Бундай усул туманда ва Чортоқ шаҳрида телефон алоқасини яхши ишлашини таъминлашга ёрдам берапти. Аини чоғда мижозларнинг радио нуқталаридан шикоят қилиши ҳам камайди. Ўз касб маҳоратини сидқидилдан ўргатган мураббийлар мутахассисларни тайёрлашдаги хизматлари учун моддий рағбатлантирилмоқда.

Ҳозирги кунда алоқа боғламасида 25-35 йилдан зиёд меҳнат қилган Насриддин Исомов, Кўпайсин Юсупов, Зокиржон Мамаатов, Юсуфжон Ҳамдамов, Мухаббатхон Меҳмонова, Майрамхон Холматова каби ўнлаб мураббийларнинг хайрли ишлари таҳсинга сазовордир. Уларнинг тажрибаси бошқа жойларда ҳам қўлланса фойдадан холи бўлмасди.

**Тўраҳон ҲАМЗАЕВ,**  
**Чортоқ электр алоқа боғламаси ходими**



**Тошкентдаги республика радиоредакти радиомарказ станциясида доим иш қайнади. Гурӯҳ бошлиғи В. ХУДОВ аппаратларнинг ишлашини назорат қилмоқда.**

**Суратқаш А. РИСҚИЕВ**

Бувайда туман маркази — Янгикўрғон билан Чунбағиш қишлоғининг оралиғи икки километрдан ортиқроқ. Тонг отиши билан бу икки қишлоқни боғловчи йўл одамлар қатновидан гавжумлашади. Азонда йўлга чикувчилар орасида Янгикўрғон алоқа бўлимининг катта оператори Маҳбубахон Йўлдошева ҳам бор. У бу йўлда йигирма

дан бери алоқа бўлимида сидқидилдан хизмат қилиб келаётир. Шу корхонада ишлаётган Шерали Йўлдошев билан турмуш қуришиди. Уларнинг олти нафар фарзандлари бор. Катта фарзандлари Шавкатжон Йўлдошев Кўнгирут алоқа бўлимида хабарчи вазифасида ишлаб, 1500 дан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиб келаётир. Маҳбубахонлар ои-

нага раҳматлар айтишади.

Маҳбубахон Йўлдошева билан суҳбатлашар эканмиз, у бундай дейди:

— Менинг ўзим 1968 йили алоқа бўлимига кичик оператор бўлиб ишга келган эдим, кейинчалик ўнлаб ёшларга устозлик қилдим, — дейди Маҳбубахон биз билан суҳбатда. — Ушалардан Насибхон Ху-

## ШОГИРД ЭДИ, УСТОЗ БЎЛДИ

етти йилдан буён юради. Шу давр мобайнида туман аҳли орасида ҳалол меҳнати, дилкашлиғи, ширинсуханлиғи билан хурмат-эътибор қозонди. Йўлда учраган ҳар бир киши «Ассалому алайкум, опахон» дея унга салом бериб ўтади.

Маҳбубахон алоқа бўлимига кичик оператор бўлиб ишга келганида ун етти ёшли қизча эди. Ольга Андреевна Гоголева, Фуломжон Машрапов, Маҳмуджон Курбонов, Йигитали Йўлдошев сингари тажрибали алоқа ходимларидан иш ўрганди. Натяжада орадан кўп вақт ўтмай Маҳбубахон Йўлдошева катта операторлик вазифасига кўтарилди. Мана, йигирма етти йил-

ласи алоқачилар сулоласига айланган қолган.

Маҳбубахонни Бувайда алоқачиларининггина эмас, Фарғона вилояти алоқачиларининг ҳам фахри дейиш мумкин. 1994 йили вилоятда «ОНЕГА» машинасида ишловчи операторларнинг мусобақаси бўлганда Маҳбубахон фахрли ўринини эгаллади ва совриндор бўлди. Самарали меҳнати учун вилоят ва туман алоқа бўлиmlарининг фахрий ёриқлари билан бир неча бор тақдирланди.

Маҳбубахон ҳозиржавоб, сержант калдуф инсон. Алоқа бўлимига иш билан келувчилар унинг муомаласидан, одамхунлигидан қўвониб,

санова йуриқчи, Мухаббатхон Курбонова оператор, Шоҳистахон Муминова Оқкўрғон алоқа бўлимининг бошлиғи бўлиб ишламоқдалар. Шогирдларим билан фахрланаман.

Халқимизда дарахт бир жойда кўкаради деган гап бор. Ҳа, бир қисбда йигирма етти йил бенуқсон меҳнат қилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бағри кенг, ўз касбининг фидойиси бўлган меҳнаткаш инсонларгина бир жамоада узоқ вақт самарали ишлай олади.

Маҳбубахон Йўлдошевага ана шундай бахт nasib этган.

**Қаюмжон ТУРСУНОВ,**  
**Фарғона вилояти, Бувайда тумани**

## Алоқа матбуот кўзгусида

### ТЕЛЕФОН ҚИЛИШ МАН ЭТИЛАДИ

Бир вақтлар «Аэрофлот» қондаларида стюардессаларга йўловчиларнинг ўзлари билан самолёт бортига қўлда кўтариб юриладиган радиоприёмник олиб кирмасликлари ёки иллюминатор ойнасида фотосуратга туширмасликларини қатъий назорат қилиш топширилганди. Эндиликда бу қонун-қоидалар унутила бошлай деганда бирдан Финляндияда бошқача тарзда пайдо бўлиб қолди. «Финэйр» авиакомпанияси ўз мижозларини энди бундан буён ҳаво кемаси мутасаддилари ҳар бир йўловчининг қўлидаги юки ёки чўнтағида ихчам радиотелефон бор-йўқлигини аниқлаб берадиган махсус асбобга эга эканлиги ҳақида хабардор қилди. Илгари саёҳатчиларнинг бундай аппаратлардан фойдаланмасликлари ҳақида хушмуомалалик билан илтимос қилинади, ҳоло. Аммо бундай оғоҳлантириш ҳаммага ҳам қор қилавермас экан. Энди радиотелефонлар «қидириб топилди» ва ерга қўнгунча, яъни самолётдаги мутасаддиларнинг ердаги хизмат ходимлари билан мулоқотига ҳалал беролмайдиган бўлгунча олиб қўйилди.

### МАНФААТЛАР ТЎҚНАШГАНДА

Россия газеталарини Украинада деярли ўқишмайди. Уларни мижозларга стказиб бериш харажатлари шу қадар ошиб кетганки, буни ҳамманинг ҳам чўнтағи кўтаролмайди.

Июннинг бошларидан «Маяк» радиостанцияси ҳам жимиб қолди. Бу кўнгилсизлик ҳали бартираф этилмай туриб Россия радио ва телевидениеси муҳлисларига яна бир «совга» ҳозирлашди.

18 июлда Украина Гостелерадиоиси раиси Зиновий Кулик Россия жамоатчилик телевидениеси дастурларини кескин қисқартирувчи фармон чиқарди. Буйруқда каналларни ўзгартириш кўзда тутилган, натижада шу маҳалгача РЖТ ишлаб турган частоталар Украина телестудияларига берилади. Россияликларга эса сигнал кучиси бўлган дециметрли диапазон ҳавола этилади. Аини чоғда худди шу частотадаги каналлар вилоятлардаги давлат телекомпанияларига ҳам берилган. Улар исталган вақтда РЖТ ўрнига ўз дастурларини намоён этишлари мумкин.

3. Қулиқнинг буйруғи РЖТ директорлар кенгаши рекламалар кўрсатувини яна қайта тиклаш ҳақида қарор чиқаргандан кейин пайдо бўлди. Кўпчилик телевидение атрофидаги машамшаларни ана шу воқеа билан боғлашмоқда.

«Хабар» газетаси жамоаси  
Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири муовини, Тошкент шаҳар телефони алоқаси ва радиозастириш ишлаб чиқариш бирадамаси бошлиғи

Владимир Александрович  
**КРАВЧЕНКОНИ**

қўлугу 50 ёши билан табриқлаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, захматли фаолиятда муваффақиятлар тилайди.

Тошкент Халқаро Электр Алоқа Марказининг жамоаси  
ТХЭАМ бошлиғи М. Қ. Далабоевага палари бузруквори

Қодиржон ДАДАБОВЕВИНИ  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Мерос

Фариiddин АТТОР

# АЁЛ ИШҚИ

Подшонинг гўзал бир ўғли бор эди. Шаҳзода ҳақиқатан ҳам келишган, сўлим йигит бўлиб воёга етган, халқ унинг ой юзига қарашдан истиҳола қиларди. Гўё уни дунёнинг бир мўъжизаси дейсиз: икки қоши камондай, кўзи, киприклари минг қалбни вайрон қилар, қарашлари одамни оҳанрабодай ўзига сەҳрлаб кўярди. Табассум қилса, дурайл терилган тишлари кўринар, лаъл лабларининг хушоби неча мубталоларни масту бехуш айланганди. Шаҳзода гўзал андомли бўлиши билан бирга мард ва жасур, ориятли ва марғур ҳам эди. Бир хотин шу гўзал йигитга ошиқ бўлиб қолди. Кўнгли эзилиб, кўзлаидан қонли ёшлар оқиди. Йигит фаридади барча нарсани, қариндош-уруғ, балки дунёни ҳам унутиб, дарвеш-қаландар бўлиди. Бечора хотин шаҳзоданинг йўлини туну кун пойлар, агар шаҳзода йўлга чиқса, отининг оёқларини кучоқлаб ўпар, тунроқдаги изларини кўзига суртарди.

Ёши шашқатор оқиб, ошиқона нола чекарди. Пана-панада, пастқам жойлардан шаҳзодага боқар, дийдорига тўймасди. Агар шаҳзода шаҳарда юрса, шаҳарда бўлар, боғу сахрога чиқса, орқасидан сахрога чиқар, изма-из таъқиби этиб борарди. Тунлари унинг ёдида ухламай чиқар, атрофдагиларга ҳам уйқу бермай, фарёд чекарди.

Одамлар бу ҳолни кўриб, ҳайрон қолдилар, гап-сўз тарқалиб, бора-бора бутун шаҳарга овоза бўлди. Иш шу даражага етдики, охири шаҳзода номус қилиб, аёлдан қандай қутулишнинг иложини тополмай отасига шикоят этди. Подшо хотинни тутиб келтиришни буюрди. Уни тутиб келтирдилар. Подшо уни кўриб, бадтар газабланди ва сочларини отнинг оёқларига боғлаб, эзгилаб ўлдиришга ҳукм этди. Бу воқеани кўрган одамлар тўда-тўда бўлишиб, далага чиқдилар. Ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Хотинни олиб келдилар. Шоҳ тахтга ўтирди. Шунда хотин ўлими олдидан подшога мурожаат

қилиб, агар шоҳим изн берсалар, бир ҳожатим бор, деб сўз қотди таъзим ила. Шоҳ деди:

— Агар истагинг жонингни сақлаб қолиш бўлса, рози бўлмасман, чунки қасдим сенинг жонингни олишдир, агар сочимдан тортиб сазоини қилма, деб илтимос қилмоқчи бўлсанг, бу ҳам ўтмайди, чунки шу узун сочларингга урилиб жон беришингни кўрмоқчиман, магар отга боғламасдан ўлдиришни хоҳларсан, бу ҳам рад этилажак, чунки отнинг туёғини ўпишни хуш кўрганингни мукофоти бу. Бундан бошқа қандай илтимосинг бор? Ёки бир муҳлат омонлик тиларсан? Бир сония ҳам омонлик бермагайман. Ёки шаҳзодани кўрмоқ тиларсан, лекин унинг юзини энди ҳеч ҳам кўролмайсан.

Хотин айтди:

— Жонимни сақлашни истамасман, жоним менга керак эмас. Бир лаҳза омонлик ҳам тиламайман, ундан айрил-либ омонликда яшаш ўлимдан оғир. Сочимдан судратиб, отнинг оёқлари остида эзгилаб ўлдириш оқибатини, илтиёринг, буни қилма деб илтимос қилмайман. Аммо, эй саховатли шоҳ, сен айтган ушбу талаблардан бошқа бир талабим бор.

Шоҳ айтди:

— Сўзла, бундан бошқа яна не ҳожатинг бор? Агар мен айтган талаблардан бошқа талаб -ҳожатинг бўлса, муқаррар бу талабингни ба-жарурман.

Хотин айтди:

— Эй саховатли ва шарофатли шоҳ, бу кун мени от оёқларига боғлаб судратишга ҳукм қилган экансан, ҳожатим — илтимосим сандан шуки, сочимни шаҳзоданинг оти оёқларига боғлаб қўй, токи бу ишни у қилсин, унинг оти оёқлари остида ёзилай, танимни судраб роҳатлансин. Мен унинг қурбони бўлай ва абадий умр толай. Ҳа, агар маъшук томонидан ўлдирилсам, ишқ нуридан руҳим арши аълода бўлади. Бир ожиз хотинман, ҳушим ўзимда эмас, бағримда лахта-лахта қон, тирикманми, ўликманми — билмайман.

Парвардигор подшонинг кўнглига раҳм солди, кўнгли эзилиб кетди. Хотинни авф этди, унинг сидқу ёнишлари, покиза муҳаббати, илоҳий ишқи шоҳнинг қалбини юмшатган эди. Подшо хотинни ўз саройига олиб бориб, ўғлига ҳамроҳ этди. Бу ишқи ҳақиқийдир, буни ўрган, э фарзанд.

(«ИЛОҲИЙНОМА» ДАН.)

Лев ТОЛСТОЙ

# МАСАЛЛАР

## АРСЛОН ВА ТУЛКИ

Арслон қариб-қартайиб, ҳайвонларни тутолмайдиган бўлибди ва ҳийла билан тикчилик йўлига ўтибди, гор-кириб, ўзини касалликка солиб ётаверибди. Ҳайвонлар ундан ҳол-аҳвол сўраб кела бошлашибди, у эса горга бош суқ-данларни қийратаверибди. Тулки нимқосани пайқаб гор олдида гап қотибди. «Хуш, арс-лон, аҳволлар қалай?»

Арслон деди: «Аҳволлар чатоқ, Дарвоқе, нега бу ёққа кир-маяпсан?»

Тулки шундай жавоб қилиб-ди: «Кирмаётганим шунданки, изларни кўриб турибман — кирмоқ бору чиқмоқ йўқ экан».

## ИККИ ЎРТОҚ

Икки ўртоқ ўрмонда кети-шаётган экан, бирдан уларга айиқ ташланибди. Улардан би-ри қочиб, дарахтга чиқиб яши-ринибди, иккинчиси эса йўл-да туриб қолибди. Бошқа ило-

жани тополмагач, у ерга мук-ка тушиб, ўзини ўлганга со-либди.

Айиқ унга яқинлашиб, ҳид-лаб кўрибди: у нафас олмай ётаверибди.

Айиқ юзларини искалаб, ўлик экан деб ўйлабди ва жу-наб кетибди.

Айиқ кетгач, дарахтга чиқ-қан шериги пастга тушиб, ку-либди.

«Хуш, айиқ қулоғингга ни-ма деб шивирлади?»

«У менга, хавф туғилганда дўстларини ташлаб қочадиган-лар ёмон одам бўлади, деди».

## ЧУМОЛИ ВА КАПТАР

Чумоли чанқаб, сойга тушиб сув ичаётганида тўлқин уни ювиб кетибди ва чўкишига оз-гина қолибди. Каптар чўпини тишлаб учиб кетаётган экан, чумолининг чўкаётганини кў-риб, сойга чўпини ташлабди. Чу-моли чўпа тирмашиб чиқиб, қутулиб қолибди. Шундан кей-

ин овчи каптарга тузоқ қўйиб, тўрни тортишга чоғланибди. Чумоли овчининг олдига ўр-малаб келиб, оёғидан тишлаб-ди. Овчи оҳ уриб, тўрни қўли-дан ташлаб юборибди. Каптар потирлаб учиб кетибди.

## АРСЛОН ВА СИЧҚОН

Арслон ухлаб ётарди. Сич-қон унинг устига чиқиб йўрга-лаб кетди. Арслон уйғониб, сичқонни тутиб олди. Сичқон кўйворишини сўраб, илтижо қилди: «Агар мени кўйворсанг сенга ҳам яхшилик қиламан». Арслон сичқоннинг яхшилик қиламан деганидан кулиб қўйди ва уни қўйиб юборди.

Кейинчалик овчилар арс-лонни тутиб олиши ва дарах-тга боғлаб қўйишди. Сичқон арслоннинг нарасини эшитиб этиб келди ва арқонни кеми-риб, тутқунни қутқарди ва шундай деди: «Эсинглами, сен-га яхшилик қиламан деганим-да устимдан кулувдинг, мана энди сичқон ҳам яхшилик қи-ла олиши мумкинлигини кў-риб турибсан».

Ш. ЭРГАШ  
ўгли таржимаси



«Халал берманг агар қизлар ҳаёл сурсалар».

- Сизни операция қилиш-дими?
- Ҳа.
- Хуш у ёғи нима бўлди?
- Уч мингга тушди.
- Мен сизда нима бор эди ўзи демокчи эдим.
- Бор-йўғи минг сўм бор эди.

- Ёшим етмиш бешда. Уйда 25 ёшли хотиним бор. Жуда гў-Хайвонот боғининг хизматчи-

# ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

Истироҳат боғида бир чол йиғлаб ўтирарди. Йўловчи ун-дан сўради:

зал. Мени жуда ҳам севади.  
— Хуш, гап нимада бўлмаса?  
— Қаерда яшашим эсимдан чиқибди.

си оғзини катта очиб турган тим-соҳга мўралаб қаради.  
— Нима гап ўзи? — деб сўра-ди тамошабинлардан бири.  
— Ҳозирча билмайман. Дух-

тир ярим соат бўлди, у ёққа ки-риб кетганича қайтиб чиқмап-ти.

— Кўчада гўзал бир қизни уч-ратиб қолсанг, олдин қайси то-монларига эътибор берасан?  
— Олдин яқин атрофда хоти-ним йўқмикан деб қарайман.

Кинотеатрга жўнаш олди-дан хотин эридан сўради:  
— Сочимни шундай турмак-дасам анча ёш кўринаманми?

— Албатта, лекин ошириб юборма. Бу фильмга ўн олти-га тўлмаганларни қўйишмайди.

Мехмонхона хўжайини саё-ҳатчидан сўрайди:

— Қалай, яхши ухладингиз-ми?  
— Жуда ёмон ухладим. Ке-часи билан деворда суварак-лар югуриб чиқди.  
— Сиз тўлаган арзимас пул-га биз буқалар жангини уюш-тириб беролмаймиз-да, афан-дим.

**МУАССИС:** Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

**Анатолий КУДИНОВ**  
**Иззат АХМЕДОВ**  
(Маъсул котиб)  
**Миршўлат МИРЗО**  
**Тоҳир РАҲИМОВ**  
**Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ**  
**Бобоҳон ШАРИФ**  
**ЖАМОАТЧИЛИК**  
**КЕНГАШИ:**  
**Бўриевой АХМЕДОВ**

**Билол АМИНОВ**  
**Саидмахмуд АКБАРОВ**  
**Шоҳрух АКБАРОВ**  
**Мехмонқул**  
**ИСЛОМҚУЛОВ**  
**Жамол КАМОЛ**  
**Тўлқин**  
**ЛУТФУЛЛАЕВ**  
**Тоғай МУРОД**  
**Сафар ОСТОНОВ**  
**Нурали ҚОБУЛ**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
**ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600  
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Мухарририятга келган қўёғмаълум (2 ораликда, 5 бетдан оғмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатта олиш №000011. Буюртга №Г-0318. 9894 нусxada чош этиади. Офсет усулида босилди. Бичимни А-3, ҳажми 1 босма табок. **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

**Бош муҳаррир:**  
**Шодмон ОТАБЕК**  
**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
**Шухрат ЖАББОР**

ДУШАНБА, 7

**ЎзТВ I**  
 17.55 Истиклол жамоли. Курсатувлар тартиби.  
 18.00 Янгилıklar.  
 18.10 "Доктор Айболит". Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театри спектакли. Телепремиера.  
 19.15 Футбол шарҳи.  
 19.25 Ёшлар.  
 19.30 "Ахборот" (рус тилида).  
 19.50 Ёшлар.  
 19.55 "Ўзбектеlevision" курсатади: "Фасли ёз".  
 20.05 "Ёшлик" студияси. "Фазалхон ёшлигим".  
 20.40 Оқшом эртаклари.  
 20.55 Ёшлар.  
 21.00 "Ахборот".  
 21.25 Истиклол жамоли.  
 21.30 Ёшлар.  
 21.35 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Матекуб Рахимов.  
 22.30 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 1-қисм.  
 23.40 Ёшлар.  
 23.45 — 00.10 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ".  
 19.00 "Хуқуқ химоячилари".  
 19.30 "Уй останадан бошланади..."  
 19.50 "Саломатлик — туман бойлик".  
 20.20 "Спорт-тайм".  
 20.50 — 22.30 "Шоирнинг тақдир". Бадий фильм.

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 18.10 — 20.45

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 00.10

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

СЕШАНБА, 8

**ЎзТВ I**  
 6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 1-қисм.  
 9.10 Немис тили.  
 9.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".  
 10.20 "Болалигим мактабга тайёрми?"  
 10.50 "Ишбилармон".  
 11.20 Ўзбек қуйлардан концерт.  
 12.00 — 13.35 "Буланка мехмонхонаси". Бадий фильм.  
 \*\*\*

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 "Кичик дебют".  
 19.00 "Шинам шаҳар".  
 19.45 "Топкеп оқшомида".  
 20.45 "Хусусийлаштириш".  
 21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 6.30 — 8.00

ЎзТВ IV

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 2-қисм.  
 9.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.  
 9.40 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкачи...".  
 10.10 Сихат-саломатлик почтасидан.  
 10.45 "Халқ оғзаки ижоди".  
 11.15 "Оламини асранг!".  
 11.45 — 13.45 Улмаас Умарбеков. "Фотима ва Зухра". Муқимий номидаги Давлат мусикали драма театрининг спектакли. Телепремиера.  
 \*\*\*  
 17.55 Истиклол жамоли. Курсатувлар тартиби.

6.30 — 8.00  
 \*\*\*  
 18.10 — 20.45  
 \*  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 23.45

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

ЧОРШАНБА, 9

**ЎзТВ I**  
 6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 2-қисм.  
 9.05 "Янги алифбони ўрганамиз".  
 9.35 "Езимиз сўз ўтмоқда".  
 10.05 Талабалар сахнасида.  
 11.05 "Билим ва амал".  
 11.45 Самарқанд вилоят "Даргом таронаси" ашула ва рақс ансамблининг концерти.  
 12.25 — 14.25 "Ёшлик" видеоканали.

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ".  
 19.00 "Хуқуқ химоячилари".  
 19.30 "Уй останадан бошланади..."  
 19.50 "Саломатлик — туман бойлик".  
 20.20 "Спорт-тайм".  
 20.50 — 22.30 "Шоирнинг тақдир". Бадий фильм.

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 18.10 — 20.45

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 00.10

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 3-қисм.  
 9.10 Немис тили.  
 9.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".  
 10.20 "Болалигим мактабга тайёрми?"  
 10.50 "Ишбилармон".  
 11.20 Ўзбек қуйлардан концерт.  
 12.00 — 13.35 "Буланка мехмонхонаси". Бадий фильм.  
 \*\*\*

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 "Кичик дебют".  
 19.00 "Шинам шаҳар".  
 19.45 "Топкеп оқшомида".  
 20.45 "Хусусийлаштириш".  
 21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 6.30 — 8.00

ЎзТВ IV

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.



18.00 Янгилıklar.  
 18.10 "Кичикинтой" студияси. "Бу дамлар ўхшар эртатқа..."  
 18.40 "Компьютер-шоу".  
 19.25 Ёшлар.  
 19.30 "Ахборот" (рус тилида).  
 19.50 Ёшлар.  
 19.55 "Ёш бастакорлар". Султонзоли Раҳматов.  
 20.20 "Ўзма-юз".  
 20.40 Оқшом эртаклари.  
 20.55 Ёшлар.  
 21.00 "Ахборот".  
 21.25 Истиклол жамоли.  
 21.30 Ёшлар.  
 21.35 "Санъатга бахшида умр". Рустам Бобоқонов.  
 22.35 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 4-қисм.  
 23.35 Ёшлар.  
 23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" ташиштирадиган: 11.45 Самарқанд вилоят "Даргом таронаси" ашула ва рақс ансамблининг концерти.  
 12.25 — 14.25 "Ёшлик" видеоканали.

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 6.30 — 8.00

ЎзТВ IV

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 4-қисм.  
 9.05 Немис тили.  
 9.35 "Ёшлик" студияси. "Баҳо".  
 10.20 "Ўзбекистон олимпиада терма жамоаларининг урашуви".  
 11.00 "Компьютер-шоу".  
 11.45 — 13.10 Тохир Малик. "Захарли томчилар". Йўлдош Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.  
 \*\*\*

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Табассум".  
 19.10 "Рок-сеанс".  
 19.50 "Пульс". Хабарлар.  
 20.05 "Менинг кўчам".  
 20.20 — 22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 17.25 — 20.45

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 23.55

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

Бадий фильм.  
 ЎзТВ III  
**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 6.30 — 8.00  
 \*\*\*  
 18.10 — 20.45  
 \*  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 23.50

ЎзТВ I

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.45 "Мультикарусель".  
 19.00 "Зумраша" хузурида меҳмонда.  
 19.30 "Ахборот" (рус тилида).  
 "ОМАД" ташиштирадиган: 19.50 Истиклол жамоли.  
 19.55 Ёшлар.  
 20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.  
 20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
 21.10 "Компьютер-Осие".  
 21.40 "Кулгиға нима етсин".  
 22.05 Ёшлар.  
 22.10 "Даракчи".  
 22.20 Ёшлар.  
 22.25 — 00.05 Видео — "О".

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 6.30 — 8.00

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 23.55

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 5-қисм.  
 8.55 Оналар мактаби.  
 9.25 "Раёнларни сев, гулим". Муслик композиция.  
 10.05 Футбол бўйича "Пахтакор-79" хотира турири. Финал.  
 10.50 "Ўзбекистон — Ватаним меним". Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 1 йиллигиға бағишланган видеофильм.  
 13.30 — 15.30 "Маънавият" видеоанали.

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Табассум".  
 19.10 "Рок-сеанс".  
 19.50 "Пульс". Хабарлар.  
 20.05 "Менинг кўчам".  
 20.20 — 22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 17.25 — 20.45

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 23.55

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 6-қисм.  
 9.10 Немис тили.  
 9.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".  
 10.20 "Болалигим мактабга тайёрми?"  
 10.50 "Ишбилармон".  
 11.20 Ўзбек қуйлардан концерт.  
 12.00 — 13.35 "Буланка мехмонхонаси". Бадий фильм.  
 \*\*\*

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Табассум".  
 19.10 "Рок-сеанс".  
 19.50 "Пульс". Хабарлар.  
 20.05 "Менинг кўчам".  
 20.20 — 22.00 "Кинематограф".

19.20 "Кўли гул қишиллар". Телфильм.  
 19.30 "Ахборот" (рус тилида).  
 19.50 "Чинсан".  
 20.30 "Би-Би-Си" янгилıkları.  
 20.40 "Дўстларимиз сайёраси".  
 21.20 "Одамлар, йиллар, ҳаёт".  
 22.20 "Си-Эн-Эн" янгилıkları.  
 22.30 — 23.30 "Дехкон даладан қайтди".

ЯҚШАНБА, 13

**ЎзТВ I**  
 6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 "Камалак". Болалар учун кинодастури.  
 9.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 6-қисм.  
 10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимға хизмат қиламан".  
 11.00 "Кино тахририяти" почтасидан.  
 11.45 "Кўшиқларим сизға армуғон".  
 12.10 "Бунёдкор". Курувчилар кўниға бағишланади.  
 12.30 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 7-қисм.  
 13.20 — 15.20 "Болалигим — пошшоллим". Видеоанал.

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Табассум".  
 19.10 "Рок-сеанс".  
 19.50 "Пульс". Хабарлар.  
 20.05 "Менинг кўчам".  
 20.20 — 22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 6.30 — 8.00

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 23.55

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 7-қисм.  
 9.10 Немис тили.  
 9.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".  
 10.20 "Болалигим мактабга тайёрми?"  
 10.50 "Ишбилармон".  
 11.20 Ўзбек қуйлардан концерт.  
 12.00 — 13.35 "Буланка мехмонхонаси". Бадий фильм.  
 \*\*\*

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Табассум".  
 19.10 "Рок-сеанс".  
 19.50 "Пульс". Хабарлар.  
 20.05 "Менинг кўчам".  
 20.20 — 22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

**РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 17.25 — 20.45

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
 20.45 — 23.55

**ЎзТВ IV**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.  
 \*  
 8.00 Истиклол жамоли.  
 8.05 Ойбек. "Кутлуг қон". Видеофильм. 8-қисм.  
 9.10 Немис тили.  
 9.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".  
 10.20 "Болалигим мактабга тайёрми?"  
 10.50 "Ишбилармон".  
 11.20 Ўзбек қуйлардан концерт.  
 12.00 — 13.35 "Буланка мехмонхонаси". Бадий фильм.  
 \*\*\*

ЎзТВ II

"Топкеп" студияси ташиштирадиган: 18.30 Болалар учун. "Табассум".  
 19.10 "Рок-сеанс".  
 19.50 "Пульс". Хабарлар.  
 20.05 "Менинг кўчам".  
 20.20 — 22.00 "Кинематограф".

(«Топкеп» студияси ташиштирадиган курсатамиз теледастуридан олинди).